

I. ТОВАРЛАР ВА ҲИЗМАТЛАР БОЗОРИ

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-декабр ойларида 6346,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,1 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-декабр ойларида 4560,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,4 фоизга ошган.

2017 йил январь-декабрда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2016 йилга нисбатан фоизда	Якунга нисбатан фоизда
Чакана товар айланмаси	6346,3	103,1	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Йирик савдо корхоналари	560,5	121,8	8,8
Кичик корхона ва микро фирмалар	1225,8	115,6	19,3
Якка тартибдаги тадбиркорлик	4560,0	98,4	71,9

Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2017 йилнинг январь-декабр ойларида)




Жами чакана савдо айланмасидаги йирик корхоналар улуши 8,8 фоизни, кичик корхона ва микрофирмалар 19,3 фоизни, савдо фаолияти билан шуғулланувчи жимоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар 71,9 фоизни ташкил этиди.

2017 йилнинг январь-декабрда чакана савдо товар айланмаси таркиби


	Млрд.сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	6346,3	103,1	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	560,5	121,8	8,8
кичик тадбиркорлик	5785,8	101,6	91,2
<i>шундан: уюшмаган савдо товар айланмаси</i>	<i>4560,0</i>	<i>98,4</i>	<i>71,9</i>

Чакана савдо айланмаси таркиби (умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)

**2016 йил
январь-декабр**



**2017 йил
январь-декабр**



■ Йирик
корхоналар

■ Кичик корхоналар ва якка
тадбиркорликда

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 78,4 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 98,6 фоизни ташкил этди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 2,2 фоизга ошди ва 2351,3 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-декабрь ойиларида 1963,4 минг сўмни ташкил этган).

2017 йилнинг январь-декабрида чакана савдо товар айланмаси 6346,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 103,1 фоизни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 560,5 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 8,8 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 115,6 фоизга кўпайиб, 1225,8 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 19,3 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 5785,8 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 101,6 фоизга ўсди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 71,9 фоизни ташкил этди.